Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 81 (7. 170) 1990 йил 10 апрель, сешанба Баҳоси 3 тийин

Эртага Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXI съезди очилади



⊙ СУРАТДА: ВЛКСМнинг XXI съездида Тошкентдан қатнашадиган делегатлар гуруҳи. Р. Шарипов сурати.

21 апрель—касаба уюшмаси шанбалиги

ҲАММА ИШТИРОК ЭТАДИ

СУРГУТ нефть-газ иншоотлари қурилиши трести касаба уюшмасининг 21 апрель куни шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббуси шаҳримиз саноат корхоналари жамоаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Куни кеча Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмасининг анжуманида бўлажак меҳнат байрами масаласи кўриб чиқилди.

— Корхонамизнинг ҳамма ширкатларидан келган вакиллар, — деди бирлашма касаба уюшмаси қўмитасининг раиси О. Савельева, — сургутликлар ташаббусини бир овоздан маъқуллашди. 21 апрель куни шанбалик ўтказишга қарор қилинди. Меҳнат байрами кунн ишлаб чиқариш участкаларида одатдагидек иш мароми тинмайди. Маъмурият ва бошқа ғрдамчи ширкатлар ходимлари ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар. Ишлаб топилган пулнинг ҳаммаси касаба уюшмаси ҳисобига ўтказилади. Тушган пулни жамоат ташкилотлари билан ўтказиладиган йиғилишда қайси ишларга сарфлашни келишиб оламиз.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Тонгги газеталарда

⊙ «Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ҳамда мазкур Қонунни кучга киритиш ҳақида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

⊙ 9 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Президентлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Литва ССР ва шу республика тевараги даги вазият кўриб чиқилди. Мажлис ҳақидаги расмий хабар бугун тонгги газеталарда берилган.

⊙ «Парламент учун етти нота» — «Правда» газетасининг биринчи ва иккинчи саҳифаларида берилган ана шу сарлавҳали мақолада рўзнома махсус мухбири Юрий Шабанов Литвага сафари ҳақида шахсий мулоҳазаларини баён этган.

Давлат қабули—сифат кафолати

ИШГА ВИЖДОНАН ЁНДОШИЛСА

Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил май ойидаги маҳсулот сифатини тубдан кўтариш чоралари ҳақидаги қарорига асосан республикамиздаги 54 корхона ва бирлашмалар шу кунгача маҳсулотларини давлат қабулига топшириб келмоқдалар. Қарорга кўра, саноат корхоналари ўз маҳсулотлари сифати устида жиддий шуғулланиб, туб ўзгаришлар қилиш кўзда тутилган эди. Масала шундай қўйилган экан, шаҳримизда давлат қабулига ўтиб ишлаётган корхоналарда ҳақиқатан ҳам сифатда жиддий ўзгаришлар бўлдими? Ҳозирги кунда корхоналарда бу борадаги аҳвол қандай? Бу тадбир ўзини оқлаяптими? Шундай саволлар билан жамоатчи мухбиримиз республика андоза ва ўлчов марказининг давлат қабули бўлими бошлиғи А. Ш. Каримовга мурожаат қилди.

— Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришда давлат қабули хом ашёдан тортиб то маҳсулот тайёр бўлгунга қадар бўлган жараённи ўз ичига олди ва қаттиқ назорат қилиб борди. Бу ишлар аввало корхоналарнинг иш фаолиятини синчиклаб ўрганишдан бошланди. Ички имкониятларни ҳисобга олиб, корхона жиҳозидан тортиб, норматив-техник ҳужжатларигача қайта кўриб чиқдилар. Натижада юзлаб корхоналар тўлиқ шарт-шароитларга эга эмасликлари аниқланди. Жумладан, технологик ҳужжатлар эскирганлиги, лойиҳалаш ишлари бугунги кун талабига жавоб бермаганлиги ҳисобга олиниб, бундай корхоналарга тузатиш ва янгилаш ишларида имкониятлар яратиб берилди.

Ишлаб чиқаришдаги аҳвол яхшиланган сари, у маҳсулот сифатига ижобий таъсир ўтказди. Тажриба шуни кўрсатдики, давлат қабулига ўтиб ишлаётган корхоналарда шикоятлар ойдан-ойга камайиб борди. Масалан, «Компрессор» заводи бугунги кунда ўз маҳсулотида четдан ҳеч қандай шикоятсиз ишламоқда. Давлат қабулига ўтиб ишлаётган корхоналар ҳозирги кунда 93 фоиздан ортиқ маҳсулотларини давлат қабулига биринчи тақдимда топширмоқдалар.

Бу ўринда машинасозлик саноати корхоналари ва агросаноат корхоналари алоҳида ўрин эгалламоқда. Аммо бундан бу соҳаларда ҳеч қандай нуқсонсиз иш олиб бориляпти, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки бундай корхоналарнинг маҳсулотлари ҳам биринчи тақдимдан ўтмай қолиб орқага қайтарилиб, қайта ишлов берилгач, ҳар томонлама мукаммал бўлгандан кейингина синчковлик билан қабул қилиб олиняпти.

Бу каби мисоллар ҳамма корхоналарда топилади. Масалан, ўтган йили ҳаммаси бўлиб 2887,6 минг сўмлик маҳсулот иккинчи тақдимдан сўнг ҳам қабул қилинмади. Демак, шунча миқдордаги маҳсулот давлатга топширилмади, деган сўз. Машинасозлик саноатидаги 272,5 минг сўмлик маҳсулот брак қилинган.

Бу маҳсулотларнинг бир қисми СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳам тегишлидир. Сифатсиз маҳсулот чиқиб кетишига сабаблар кўп. Фикримизнинг исботи учун бир мисолни келтирайлик.

Республикамизда чиқадиган газ Ватанимизнинг энг чекка ўлкаларига етиб борганига қарамай, масалан, Англен керамика комбинати ҳалигача мазутда ишлайди. Натижада чиқаётган плиталарнинг кўпчилиги ифлос бўлиб, ҳозир улар сифатсиз деб топиляпти. Ўтган йили эса 237 минг сўмлик буюм сифатсиз деб топилган ва 63 минг сўмлик буюм иккинчи тақдимдан ҳам ўтмаган эди. Агар комбинатга тайёр газ келтирилганда эса бу сифатсиз буюмлар сони шубҳасиз сезиларли даражада камайган бўлар эди. Ёки «Стройпластмасса» комбинатини олайлик. Ундаги линолеум цехи ҳақида ўтган йили ҳам гапирган эдик. Цех иши туширилганига 20 йилдан ошган. Корхонада аҳвол ҳамон ўша-ўша: эски ускуна, эски асбоблар. Корхона иши назоратчилар томонидан бир неча бор тўхтатиб қўйилди ҳам. Ишчи кучи кутиб ўтирмайди. Амал-тақал қилиб яна машиналар ишга солиниб, баҳолн қудрат маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамон сифатсиз. Ҳозирги юксак талабларга жавоб бермайди. Масалан, технология носозлиги туфайли линолеумларнинг баъзи қисми бужмайиб кетган. Ўз-ўзидан у ташлаб юборишга лойиқ бўлади. Корхона ўзини қайта қуришга эса маблағи етишмайди. Айни вақтда бу маҳсулот турига қурилиш участкаларида ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилишида талаб қундан-кунга ортиб бормоқда. Аҳвол шундай экан, қурилиш материаллари саноати министрлигидаги мутасадди ходимлар ёрдам қўлларини чўзишлари керак, ахир!

Бундай мисоллар жуда кўплаб топилади.

Ишлаб чиқаришда технологик жараён пухта ташкил қилинмас экан, дурустроқ маҳсулот олиш ҳақида тушимизни сувга айтиб ўтираверамиз. Бошқа корхоналардаги аҳволга ўтадиган бўлсак, ҳали ўз маҳсулотини 100 фоиз биринчи тақдимдаёқ ўтказаётган бирон-бир корхона йўқлиги жуда ачинарлидир.

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамма маҳсулотнинг 72,4 фоизини, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 80,9, Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси 70,8, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 78,3 фоиз маҳсулотларини давлат қабулига биринчи тақдимда топширмоқдалар.

Кейинги вақтларда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа шу каби корхоналарда маҳсулотга эътирозлар камайиб бораяпти. Давлат қабули яратган шароит туфайли, чунончи «Компрессор» заводида сифатга эътирозлар кескин камайиб, компрессорларнинг техник даражаси ошди.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот сифатига эътирозлар сони ўтган йилга нисбатан 2,7 баробар камайгани қувончлидир. Демак, аниқ мақсад асосида иш юритилса, ҳар бир ишга виждонан ёндошилса, халқимизга чиройли, пишиқ пухта маҳсулотлар етказиб бериш мумкин экан-ку. Бунинг учун ҳамма ўз олдига қўйилган талабларни тўғри тушуниб, камчиликларга қатъий равишда барҳам бериши зарур. Токи корхона дарвозасидан сифатсиз маҳсулот чиқиб кетишига сабаб бўладиган ҳеч қандай асос бўлмасин.

Суҳбатдош Г. ВОҲИДОВА.

Рўзноманинг шу сонига

ДАРДИМИЗНИ ДАДИЛ АЙТАЙЛИК

ЗАВОДДА Саидакбарнинг делегат бўлиб сайланишига жамоа аҳли бемалол ишонган эди. Тошкент вилояти комсомол конференциясининг ВЛКСМ XXI съездига делегатлар сайлаган рўйхатида унинг ҳам номи тилга олинди.

Биз Саидакбарни «Миконд» заводининг чекка бир цехида, иш устида учратдик. Унинг корхонада ишлаётганига энди тўрт йил бўлган, Совет Армиясида хизмат бурчини ўтаб қайтгач, Тошкент политехника институтининг кечки бўлимига қабул қилинган. «Миконд»даги фаолиятини ишчиликдан бошлаган.

У ишлаётган цех асосан қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик трихограммалар тарқатувчи қурилмаларни ишлаб чиқаради. У билан учрашишимиздан мақсад комсомол анжумани олдидан бу ташкилот ҳақида ўйларини билиш, умуман қандай таклифлар билан кетаётганидан хабар топиш эди. Шу боис ҳам ундан даставвал регионимиз ёшларининг қандай муаммоларини олиб кетаяпсиз, деб сўрадик.

— Албатта мен айтмоқчи бўлган гаплар ёлғиз районимиз дарди бўлмай, бутун жумҳуриятимиз таклифлари йиғиндиси бўлади, — деди Саидакбар.

— Яна шу ўринда савол туғилади: эҳтимол бошқа жумҳурият ёшлари съездда нисбатан ишларини битириб кетишар...

— Демак, сўзга чиқишга тайёрмисиз деб сўрамоқчисиз? Биргина шаҳримиздан 11 нафар комсомол делегат этиб сайланди. Биз бирлашиб таклифларни жамлаб бир тўхтамга келдик. Жумҳуриятимиз бўйича ҳам шундай бирликда ягона, пухта режа тузиб чиқилди. Гап қайси биримизнинг сўзга чиқишимизда эмас, муҳими, битта бўлса ҳам сўз олган киши Ўзбекистон комсомолининг дардини дадил айта олсин! Унинг бугунги кундаги вазифасини аниқлаб олишга ёрдам берсин.

Очиғи ҳозир комсомолга бошқача кўз билан қараш одат бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Унинг вазифаси ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш экан, ҳозирча ўз вазифасини тўла бажара олаётгани йўқ. Ҳозирга келиб у фақат партиянинг резервига айланиб қолди. Бир ўйлаб кўринг: Устав бўйича комсомол-ёшлар учун жавобгармиз-у, аммо қўлимизда аъзолик бадалидан бошқа ҳеч вако йўқ. Мана энди олинг, ёшлар орасида бирор нохуш ҳодиса рўй берса, комсомол қани дейишади. Тарбиявий ишни амалда қўллаш учун ҳам маблағ керак-ку, ахир. Афсуски комсомоллар орасида фақат бадал тўлаяпману, комсомолнинг фойдаси тегмаяпти дегувчилар кўпайди. Уларнинг комсомолга ёрдами-чи?! Хуллас, бу ташкилот келгусида онгли фаолият кўрсатувчи ёшлар уюшмасига айланиши лозим.

— Саидакбар, айтаётган таклифларингиз съезд минбарида қилиб кетишидан чўчимайсизми? Негаки, бу нарсалар ВЛКСМ XX съездида ҳам айтилган эди-да...

— Йўқ, ундай бўлади деб ўйламайман. Буни ўзимизнинг вилоят конференцияси мисолида айтишим мумкин. Конференция бошланишида унинг қандай олиб борилишини белгилаб олиш учун бир соат кетди, Тортишув, мунозара авжига чиқди. Таклифлар орасида ҳатто бирорта сўз қолиб кетса, нимага қолиб кетганини тушунтириб беришини ҳайъат аъзоларидан талаб қилишди. Уларда қандайдир уйғониш бор. Қолаверса, съезддан қайтгач, ҳисобот бериш масъулияти турибди. Шунингдек, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Марказий Комитети ҳар хил инструкция ва буйруқлар ишлаб чиқарувчи эмас, балки ёшларнинг ҳақиқий маслаҳатчисига айланиши керак. Шу нарсага амал қилинмагани оқибатида бошланғич комсомол ташкилотлари мустақил фаолият кўрсатиши ўрнига буйруқ бажарувчи ташкилотга айланган.

— Талабалардан бирорта ҳам вакил съездга делегат этиб сайланмабди. Демак энди уларнинг масаласи қолиб кетар экан-да...

— Съездда кўтариладиган масалалар талабаларга ҳам тегишли. Бунинг устига яқиндагина талабаларнинг Бутуниттифоқ анжумани бўлиб ўтди. Умуман ёшларда мақсад учун мустаҳкам бирлик бўлиши зарур...

Ҳа, С. Азимхўжаевнинг сўзи билан иши бирлигини «Миконд»дагилар аллақачон пайқашган. Унинг ҳар қандай қийин муаммони куюнчаклик билан, ҳеч қандай муросасиз ҳал қила олишига ишонишган. Завод комсомол комитетининг аъзоси сифатида ўзини қийнаб келаётган масалалар ҳамда таклифлар юзасидан кўп нусҳали «Спутник» рўзномаси орқали чиққан. Хуллас, унинг съезд ишида КОМСОМОЛ муаммосининг қайси бир бўғинини ҳал қилишига «Миконд» заводи ёшлари ҳеч шубҳа қилмайдилар.

Ф. ҲУСАНОВА.

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Дастлабки маҳсулот

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ёғочсозлик саноати бирлашмасининг қуёшдан муҳофаза қурилмалари заводи маҳсулотлар турн ва кўламини кўпайтириш имкониятига эга бўлди.** Бу ерда янги пластмасса буюмлар тайёрлаш бўлинмаси ташкил этилиб, Финляндиядан келтирилган ускуналар ўрнатилди.

БУГУН корхонанинг янги бўлими ўзининг дастлабки намуна маҳсулотини ишлаб чиқаришга киришди.

Д. ОСТОНОВ.

Тез ва аниқ

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР сув хўжалигини техникалаштириш трести мутахассислари яратган «ДУ — 3502» қурилмасини синаб кўриш учун киришилди.** Мазкур қурилма ётқизилган чуқур сув қувурлар остидаги қумшағални механизация йўли билан олиш ва уч ярим метргача бўлган ҳар қандай ерга дренаж қувурларни жуда тез ва аниқ ётқизишни таъминлайди.

Д. МУРОДОВ.

Ихтисослик бўйича

⊙ **ЕИМ ГЕОЛОГЛАР илмий ишлаб чиқариш малакасини ошириш йўлида кўрилаётган тадбирлар яхши самарасини бермоқда.** Тошкент политехника институти нефть ва газ ҳамда геология қидирув факультетлари ҳамкорлигида белгиланган режаларда ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилган.

Геофизик тадқиқотларни олиб боришга иқтидорли талаба ёшларни кўпроқ жалб этиш мақсадида «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси билан яқин илмий-амалий алоқалар йўлга қўйилди. Илмий-ишлаб чиқариш қўқув марказининг тузилиши айни муддао бўлди. Ана шу бирлашма базасида ҳар икки факультет кафедраларининг бирлашган филиали очилиб, геофизик мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш кўзда тутилди.

Эндиликда «Структурали ва саноат геофизикаси» ҳамда «Фойдали ер ости бойликлари конларини геофизик методлар бўйича қидириш ва разведкаси» кафедралари учун талабалар иштирокида илмий изланишларни кучайтириш имкони туғилди. Айни бир вақтда юқоридаги факультетлар ҳамда бирлашма ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг етакчи мутахассислари талабалар билан машғулотлар олиб бориб, бой билим ва амалий тажрибаларини баҳам кўрмоқдалар.

Бирлашмада талабаларнинг геофизика ихтисослиги бўйича ишчи касбини эгаллашларига қаратилган тадбирлар ҳам кўрилди.

А. АЛИЕВ.

Жажжилар учун

⊙ **БУГУН Бектемир райони кичкинтойлари ажойиб совға олди.** 2-уйсозлик комбинати бинокорлари 320 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга тахт қилиб қўйди.

«Ташгипрогор» институти лойиҳачилари тайёрлаган жажжилар масканида қатор қулайликлар яратилган. Ҳар гуруҳ учун алоҳида ўйин ва спорт майдончалари, чўмилиш учун иккита ҳовуз ўрнатилган, ўйин жиҳозларида турли мультфильм қаҳрамонлари акс эттирилган.

Д. АЪЛОЕВ.

Махсус ўқув дастури

⊙ **ШАҲАР халқ таълими Бош бошқармаси мактабларда ўзбек тилини ўқитиш савиясини кўтариш бўйича ўқитувчиларни зарур тавсиялар билан қуроллантириш режаларини кўрмоқда.** Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан шаҳримизда ўқишлар рус тилида олиб борилаётган мактабларда ҳам қатор ташкилий-методик тадбирлар амалга оширилди.

Бошқарма тажрибакор тил ўқитувчилари ва методист олимлар ижодий ҳамкорлигида махсус ўқув дастурини тайёрлаб, педагогик коллективларга юборди. Унда ўзбек тилини ўрганишнинг такомиллаштирилган усул ва методлари ёритилиб, ўқувчиларга пухта билим бериш асослари ўз ифодасини топди. Ана шу тавсияга биноан шаҳримиздаги барча рус мактабларида ўзбек тилини ўрганиш учун уч академик соат белгиланди.

Бундан ташқари ўқув жараёнини ривожлантириш учун ўқувчиларга анкета саволлари тарқатилиб, улардан методик хулосалар чиқариш тадбирлари кўрилди.

С. ОДИЛОВА.

КИРОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Киров район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

М. М. Умарова Ўзбекистон ССР Олий Совети иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш донмий комиссиясининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан Киров район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари қилиб шу район Советининг раиси бўлиб ишлаётган Р. А. Калонов сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Асепков иштирок этди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● АФҒОНИСТОННИНГ Ҳирот вилояти теграсида ҳаракат қилаётган оппозицион гуруҳларнинг баъзи бирлари ҳукумат томонига ўтаётганида мужоҳидлар ўт очдилар. Ўлганлар ва жароҳатланганлар бор. ЮПИ ахборот агентлигининг хабарига қараганда, бу ишда «Афғонистон ислом жамияти» деб аталмиш гуруҳнинг кўли бор. Афғонистонда ҳаракат қилаётган оппозицион гуруҳларнинг ҳаммаси «Афғонистон ислом жамияти»ни «Покистонда қароргоҳи бўлган «еттилик»ка киради. Шунингдек, отишмаларни амалга оширишда «Хизбуллоҳ Афғонистон» гуруҳи одамларининг ҳам иштироки бор, деб тахмин қилинмоқда.

● ЯҚИНДА Атланта шаҳрида нутқ сўзлаган АҚШ президенти Ж. Буш унинг маъмурияти бундан кейин ҳам «Озодлик» ҳамда «Озод Европа» радиостанцияларини молдий маблағ билан таъминлашда давом этаверади, деди. Маълумки бу радиостанциялар Шарқий Европа учун кенг тармоқда эшиттиришлар олиб боради. Ҳар қачонгига қараганда ҳам ҳозир биз у ерда кўпроқ иштирок этишимиз керак, деди президент.

● РУМИНИЯ оппозиция партияси — Либерал иттифоқ Руминиянинг собиқ қироли Михайга мурожаат қилиб, ўз ватанига мўлжалланган сафарини сайловчиларнинг «ҳисҳаяжонини қўзғамаслик учун» сайловдан кейинги вақтга қолдириш тўғрисида мурожаат қилди.

● ХДС/ХССнинг бундестагдаги фракцияси раиси А. Дреггер ССРни Германия Демократик Республикасидан тезроқ ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга даъват этди. Унинг фикрича Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар ҳарбийсизлантирилиши керак. «Совет Иттифоқи учун танкларнинг катта тўпкини эмас, Ғарб билан техник-иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий ривож, дўконларда тўлиқ пештахталар ва бахтли кишилар зарурроқдир», — деди А. Дреггер.

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари собиқ президенти Р. Рейганнинг миллий хавфсизлик бўйича собиқ ўринбосари Ж. Пойндекстер «Эрон—Контрас» деб аталган иш юзасидан ҳамма моддалар бўйича айбдор деб топилди. У 25 йил қамоқ жазосига ва 1 миллион доллардан кўпроқ жарима тўлашга ҳукм этилди. Бироқ, унинг адвокати Р. Беклер суд қарори устидан шикоят қилиш ниятида эканлигини айтди.

● ЯҚИНДА Буюк Британия ҳукумати ўзининг асосий ҳарбий сиёсатига доир «Оқ китоб»ни чоп эттирди. Унда келтирилган маълумотларга қараганда, Буюк Британия ҳукумати 1990—1991 йилларда ўзининг ҳарбий харажатларини 80 миллион фунт стерлинггача кўпайтиради.

● БОЛГАРИЯНИ ташлаб Туркияга кетиб қолган маҳаллий турклар яна қайтиб ўз ватанларига келмоқдалар. Қайта-ётганларнинг сони 120 минг кишидан ошиб кетди. Бу ҳақда Туркияда чиқадиган «Хюрриет» рўзномаси хабар қилди. Ўтган йил май ойидан буён этник сабабларга кўра Болгарияни 300 минг турк ташлаб кетган эди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ИШЧАНЛИК — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА табобатнинг оғир аҳволда эканлиги, бунда ушбу соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаб чиқарадиган етакчи олий ўқув юрти — ТошМИ профессор ва ўқитувчиларининг, биринчи галда партия комитетининг ҳам муайян айби борлиги сир эмас. Шу боисдан институт партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпланганлар ушбу долзарб муаммолар ўртага ташланиши, уни ҳал этишда ҳам парткомнинг, ҳам коммунистларнинг вазифаси, ўрни аниқ кўрсатиб берилишига умид қилган эдилар.

Очиқ айтадиган бўлсак, бу умид тўла оқланмади. Энг аввало ҳисобот маърузаси коммунистларни қониқтирмади. Институт партия комитетининг котиби Аҳмад Ваисов ўз маърузасида коммунистларнинг ҳисобот давридаги фаолиятини очиб бериш, партия ташкилоти ишидаги барча нуқсонларга ошкоралик руҳида ёндошиш ўрнига баъзи қилинган ишларни ва рақамларни келтириш билан чегараланди, холос.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси институт партия ташкилотининг ишини қониқарсиз деб топганлиги ҳаммага маълум. Хўш, партком бу қарордан қандай хулоса чиқарди, унда кўрсатилган нуқсонларни бартараф этиш учун нималар қилмоқчи?

Бу саволларга ҳисобот маърузасидан жавоб топиш осон эмас. Бунинг ўрнига кейинги уч йил ичида институтда 22 киши докторлик диссертациясини ёқлаганлиги, 132 врач фан номзоди бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Улар томонидан 28 та монография чиқарилганлиги, 64 та муаллифлик гувоҳномаси олинганлиги фахрланиб айтилди. Қизиқ, бунга партия комитетининг қандай дахли бор экан. Эҳтимол, партком олий ўқув юртида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш учун коммунистлар масъулиятини кучайтирганлиги сабабли шундай бўлгандир. Лекин бундай ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчилари учун қоронғилигича қолди. Ҳисобот маърузасида мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув юртига қабул қилинадиганлар билими савиясига катта аҳамият берилганлиги уқтирилди. Бунинг учун қабул комиссияларига ҳалол, қўпчилик ҳурмат-эътиборини қозонган жамоа аъзолари жалб этилаётган экан. Ўтган йилнинг ўзида мактабни олтин нишон, медицина билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган 800 нафар ўғил-қиз институтга қабул қилинибди. Бу — яхши. Шунга қарамасдан институтда бир ўринга 4,3 киши ҳужжат топширди. Таққослаш учун Москва табобат институтларида бир ўринга икки киши тўғри келишини айтиш мумкин.

Бугунги кунда ТошМИ мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ичида энг йирикларидан бири ҳисобланади. Унда фақат жумҳуриятимиз ва иттифоқимиздан эмас, балки хорижий мамлакатлардан келиб таҳсил кўраётганлар ҳам оз эмас. Чунончи бу ерда дунёнинг 51 давлатидан келган 477 талаба ўқимоқда.

Кейинги йилларда институт Болгариядаги Котовица ва Будапештдаги табобат дорилфунуни билан кенг алоқалар ўрнатди. ТошМИ комсомол-ёшлари Польша, Чехословакия, ГДРдаги қурилиш отрядларида ишлашди.

Йиғилишда ўқув юртида давлат тилини жорий этиш масалалари ҳам тилга олинди. Жумладан ушбу ўқув йилида 3-курс талабалари давлат тилида ўқийдилар. Лекин институт партия комитети бу муҳим масалага етарли аҳамият бермаётир. «Медик» кўп нусхали газета ҳам партиянинг эътиборсизлиги оқибатида талаб даражасида чиқмаяпти. Институтда тўрт марта текширув ўтказган махсус комиссия аъзолари баъзи профессорлар ишни ишламаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Лекин бу нуқсонларни бартараф этиш учун бирор амалий чора кўрилмади.

Янги Тошкент табобат институти учун 25 йилдан бери қурилаётган бинонинг қачон фойдаланишга топширилиши ҳалигача номаълум. Бу эса партияни ташвишлантирмаяпти. Ҳолбуки, институтда дарс ўтиш учун аудиториялар етишмайди.

Яқин келажакда институт хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилиши керак. Бунга ҳозирдан тайёргарлик кўриб борилмаса, жиддий муаммолар туғилиши турган гап. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда ҳар бир врач ишлаш майдони қонунда 12 квадрат метрни ташкил этиши кўрсатилган бўлса, амалда у 4 квадрат метрга тенгдир. Ахир врачларга зарур шароит яратиб бермасдан туриб, улардан сифатли иш талаб қилиш мумкинми?

Олий ўқув юртларидаги талабалар ётоқхоналарининг кўпчилиги бугунги кун талабига жавоб бермаётганлиги ҳаммамизга равшан. Бу ТошМИ ётоқхоналарига ҳам тааллуқли. Шифокорлар шаҳарчасидаги ётоқхоналар бундан 15-18 йил муқаддам қурилган. Буларнинг баъзилари қуриб битказилган даврнинг ўзидаёқ фойдаланишга яроқсиз эди, бошқалари эса ўз мақсадида фойдаланилмаган, айримлари эса капитал маблағ ажратилмаганлиги сабабли умуман ташкилотларга бериб юборилган.

Ётоқхоналарнинг бундай аҳволга тушиб қолишининг асосий сабабларидан бири маблағнинг етишмаслиги, назорат бўшаштириб юборилганлигидир. Кейинги бир ярим йил ичида ётоқхоналарни ремонт қилиш учун Ҳамза районидаги ўн иккита йирик корхона билан шартнома тузилди, бунга 1,2 миллион сўм ажратилди. Ҳозир капитал ремонтдан чиқарилган 1, 2, 3, 13-ётоқхоналар қаторига 8, 12-ётоқхоналар қўшилди. Ҳademай 4, 5, 9-ётоқхоналардаги ремонт ишлари ҳам ниҳоясига етказилади. Лекин шунга қарамасдан ётоқхоналардаги чироқлар тез-тез ўчиб туради, ётиш учун юмшоқ ва қаттиқ мебеллар етишмайди. Ён-атрофда талабаларга хизмат кўрсатадиган биронта йирик ошхона йўқ. Йигит-қизлар кичкинагина буфетларда соатлаб навбат кутиб, вақтларини беҳуда ўтказишади.

Талабалар моддий таъминоти ҳам жиддий масаладир. Талабалар бўш вақтларида касалхона ва поликлиникаларга бориб ишлаш истагини билдирмоқдалар. Афсуски, улар қаерга мурожаат қилишмасин салбий жавоб олишмоқда. Наҳотки, бу масала партком эътиборига молик бўлмаса? Уни институт комсомол, касаба уюшмаси комитетлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш шунчалик қийинми?

Партком институт ректори, жамоат ташкилотлари билан таълим бериш, илмий тадқиқотлар, даволаш ва хўжалик фаолиятида қайта қуришни амалга оширмаса, коммунистларнинг топширган иш жабҳаси учун шахсий масъулиятни оширмаса, мутахассисларни тайёрлашда йўл қўйиб келинган камчиликлар яқин орада барҳам топиши амри маҳол.

Бу ҳақда музокараларда сўзга чиққан доцент Э. Қосимов, профессорлардан Н. Аҳмедов, Т. Сафаров, П. Тошхўжаев, меҳнат ветерани О. Қодиров, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. Баҳромов, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Б. Умрзоқов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Тўхтабоев, талабалардан Т. Янгибоев, Б. Айтбеков, М. Азимов, институт комсомол комитетининг котиби А. Қосимов ва институт ректори Н. Шомирзаевлар гапирдилар. Улар ишчанлик, ташаббускорлик, жанговарлик, бошланган ишни охирига етказишда қатъият — институт партия ташкилоти фаолиятининг мезони бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Баҳс ва мунозаралар узоқ давом этди. Шундан сўнг институт партия комитетининг янги аъзолари сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан стоматология факультетининг декани, Ф. Н. Баҳодиров Тошкент табобат институтининг партия комитети котиби қилиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби К. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов иштирок этдилар.

Р. НУРИЛЛАЕВ.

Акс садо

ПОЙТАХТ ҚИЁФАСИ— МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

ЕШЛИГИМИЗДА ўрик, тут, ёнғоқ дарахтларига чиқиб, бир бурда нон билан меваларни мазза қилиб еб, қоринни тўйғизар эдик. Ширинликлар ҳақида ўйламас ҳам эдик. Чўнтакларимиз ёнғоқ ёки бошқа меваларга тўлиб кетарди. Шундай яхши кайфиятлар билан мактабга сабоқ олгани борардик.

Тўғри, у маҳалда урушдан кейинги йиллар эди. Нонни талон орқали соатлар давомида навоатда туриб олардик. Нон тансиқ эди. Бугунги кунда аксинча: нон бор-у, аммо уни қайси ширинлик ёки қандай мевалар билан истеъмол қиламиз деб ўйланиб қоламиз. Энди қанд, шакар талон билан берилмоқда. Мевалар эса таг-томири билан қўпориб ташланиб, ўрнини осмонўпар, шарқ иқлимига, қиёфасига батамом зид бўлган уйлар эгаллади. Оқибатда шаҳарнинг яшил қиёфаси чекинди. Бозорларда меваларнинг баҳоси кўтарилиб кетди.

Ҳар бир жумҳурият ва пойтахт шаҳар албатта ўз миллий қиёфасига, кўринишига эга бўлиши шарт. Шаҳарда маҳаллий халқнинг донғини дунёга тарқатган мевалари: ёнғоқ, ўрик, тут, беҳи, олма, бодом, олча, анор, гилос, анжир ва узумнинг номи қолди, мазаси йўқолди. Бундан буён шаҳар қиёфасини тикламасак, ўз табиатига мос меваларни кўпайтирмасак, юқорида тилга олинган меваларнинг нафақат мазаси балки номи ҳам келгуси авлодларга етиб бормайди.

Халқимиз меҳнаткаш, миришкор халқ. Чекиниб боратган яшил майдонларни кенгайтириш, боғ-роғларни кўпайтириш ҳали ҳам кеч эмас. Қарс икки қўлдан чиқади. Шундай экан бу қутлуғ ишга аҳолигина эмас балки мутасадди ташкилотлар ҳам бош қўшиши зарур.

Т. ОЧИЛОВ.



⊙ «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 1990 йил 9 март сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги давра суҳбатида шаҳримизни гуллаб-яшнатиш, яшил либосга буркаш, боғ-роғларни кўпайтириш муаммолари кўтарилган эди. Кўпчиликнинг айни кўнглидаги бу гапларни ҳамшаҳарларимиз мамнунлик билан қарши олдилар ва қўллаб-қувватладилар. Улардан келаётган кўплаб хатлар буни кўрсатиб турибди. Бугун биз бу хатларнинг айримларини оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ҲАММАМИЗ БОШ ҚЎШАЙЛИК

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади», деган ажойиб нақл бор. Давра суҳбатини ўқиб, кўзимга ёш келаёзди. Болалигимни эсладим. Шаҳримизнинг ўзига хос табиатига ярашиб турган мевали боғлари, яшил майдонлари кўз ўнгимдан ўтди. Бўлган иш бўлиб ўтди деб қўл силташ, шаҳримизнинг яшил қиёфасига бефарқ қараш инсофдан эмас. Ҳар бир экилган кўчатнинг эртанги ҳосили дилни яйратиш шубҳасиз. Шу боисдан ҳам бу борада олиб борилаётган хайрли ишларни қўллаб-қувватлаш керак.

Шаҳримизда бу йил мевали дарахтлар чаппар уриб гуллади. Яшил майдонлар, боғ-роғлар кенгайди. Келгусида бу ишларни янада жонлантириш мумкин. Бунинг омиллари бевосита ўзимизга боғлиқ. Шаҳримизни яшил либосга буркашга қанчалик ғайрат билан киришсак шунчалик яхши бўлади. Ҳозир кўплаб хонадонларнинг олдида қад кўтарган яшил ниҳолларни кўриб яйраб кетаман. Бу борада аҳоли озми-кўпми иш олиб бормоқда. Аммо мутасадди ташкилотларнинг обондонлаштириш, кўкаламзорлаштиришдаги сусткашликлари кишини таажжубга солади.

Ҳамшаҳарларимизга шундай мурожаат қилмоқчиман: шаҳримизнинг яшил бойлигини авайлаб асрайлик, қадрига етайлик. Боғлардаги дарахтларнинг парваришини кучайтирайлик. Бу ишни аҳил ва иноқлик билан амалга оширсак янада яхши. Бўш ва очиқ майдонлардан келгусида манзарали дарахтлар эмас, мевали дарахтлар яшнаб турсин.

М. МУҲАМЕДОВ, меҳнат ветерани.

ШАҲАРГА БОҒ ЯРАШАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» рўзномасининг 1990 йил 9 март сонида босилган «Чаппар уриб гулласин боғлар...» сарлавҳали давра суҳбати билан таниш-дик. Бу суҳбатда кўп нарсалар ҳақида гапирилган. Лекин бир неча ўн йиллаб бузиб келинган ишларни бир-икки йилда тўғрилаш анча қийин. Тарихдан маълумки, Тошкент атрофини ўз мевалари билан донг таратган даҳа ва мавзелар ўраб олган эди. Катта ёшдаги одамлар буни яхши эслайдилар. Юнусободнинг донг таратган ҳусайниси, қарос узумлари қани? Аччининг қовуничи? Ўрикзор, ноксорлар қаерда? Энди булар эртак бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда шаҳримизда ва унинг атрофидаги даҳаларда боғ-роғларни кўпайтиришга асос солиш учун шароит яратилди. Аслида бу ишни бундан 20—25 йил илгари, яъни шаҳримиз зилзиладан сўнг қайта қурилаётганида бошлаш лозим эди.

Ўша вақтдаги шаҳар ва районлар бошлиқлари бу ҳақда ўйламадилар, шаҳримиз чиройли бўлар экан деб манзарали дарахтларни экаверишга ундадилар. Шаҳарни қайта қуриш вақтида қанча ноксорлар, ўрикзорлар ва бошқа мевазорлар йўқ қилинди. Кўплаб кўп қаватли бинолар қурилди. Шаҳримизнинг аҳолиси кўпайди. Демак, ширин-шакар меваларни истеъмол қилувчилар кўпайди. Шунга қарамай кўп қаватли бинолар орасидаги майдонларга фақат манзарали дарахт кўчатларини экаверди. Ҳозирда ўша кўчатлар катта дарахт бўлиб кетган.

Яқинда Чилонзорнинг 25-кварталига йўлимиз тушиб қолди. Автостанциядан бир километрча пиёда юрдик, ўрмонзор оралаб. Ундаги минглаб манзарали дарахтлар орасида бирорта ҳам мевали дарахт учратмадик. Бу дарахтлар 68-70 йиллари экилган. Уларни экишга ким кўрсатма берган? Албатта, ўша вақтдаги



ноқулай шароитда ўсган дарахтлар ҳосилдор бўлмаслиги, ҳосили ҳам сифатсиз бўлиши аниқ. Ҳозирги кунда бу ерда ҳеч ким боғ-роғ яратишга қизиқмайди. Ҳатто ўша ерда яшовчи аҳоли ҳам.

Ҳозирги вақтда шаҳримизда ва унинг атрофларида боғ-роғларни кўпайтиришга ҳамма имконият бор. Ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, ҳар бир корхона, ташкилот ўз ихтиёрида бўлган ерларга мевали дарахтлар экиши керак. Ҳозирги кунда ҳар бир оилада 6 сотихдан ер бор. Ҳар бир оила ўз ерига мевали дарахтлар экиб, уларни парвариш қилса, шаҳримиз ёзда ҳам, қишда ҳам гўзал бўлиб кўринади.

Ҳозирги вақтда шаҳримизда ва унинг атрофларида боғ-роғларни кўпайтиришга асос солиш учун шароит яратилди. Аслида бу ишни бундан 20—25 йил илгари, яъни шаҳримиз зилзиладан сўнг қайта қурилаётганида бошлаш лозим эди.

Ўша вақтдаги шаҳар ва районлар бошлиқлари бу ҳақда ўйламадилар, шаҳримиз чиройли бўлар экан деб манзарали дарахтларни экаверишга ундадилар. Шаҳарни қайта қуриш вақтида қанча ноксорлар, ўрикзорлар ва бошқа мевазорлар йўқ қилинди. Кўплаб кўп қаватли бинолар қурилди. Шаҳримизнинг аҳолиси кўпайди. Демак, ширин-шакар меваларни истеъмол қилувчилар кўпайди. Шунга қарамай кўп қаватли бинолар орасидаги майдонларга фақат манзарали дарахт кўчатларини экаверди. Ҳозирда ўша кўчатлар катта дарахт бўлиб кетган.

Яқинда Чилонзорнинг 25-кварталига йўлимиз тушиб қолди. Автостанциядан бир километрча пиёда юрдик, ўрмонзор оралаб. Ундаги минглаб манзарали дарахтлар орасида бирорта ҳам мевали дарахт учратмадик. Бу дарахтлар 68-70 йиллари экилган. Уларни экишга ким кўрсатма берган? Албатта, ўша вақтдаги ноқулай шароитда ўсган дарахтлар ҳосилдор бўлмаслиги, ҳосили ҳам сифатсиз бўлиши аниқ. Ҳозирги кунда бу ерда ҳеч ким боғ-роғ яратишга қизиқмайди. Ҳатто ўша ерда яшовчи аҳоли ҳам

Ёдномалар

ТАҚДИРИ ЁРҚИН ЭДИ

ХАЛҚИМИЗДА яхши бир гап бор: одамда ташвиш бўлгани маъқул. Уни енгиш эса ҳақиқий инсонга хос фазилат. Марҳум актёр Амин Турдиев шундай иродали инсон эди. У доим ниманингдир ташвишида юрарди. Бировлар учун жон куйдиргани куйдирган эди, ҳеч нарсага бефарқ қарай олмасди. Айниқса ноҳақликни кўрса чидаб туролмасди.

...Урушдан олдинги йил эди. Фарғона водийсида гастролда эдик. Бир қишлоққа спектакль қўйгани бордик. Оппоқ соқолли, барваста мўйсафид тўғри Амин аканинг олдига келиб «Сизга шикоятим бор», деди. Санъаткор уни диққат билан эшитди. Маълум бўлишича, бу соҳибкор ўз ҳовлисига ток кўчати ўтқазиб, бир новдани ўз хонадонида қолдирибди, қолган уч новдасини ҳамсояларига сўри қилиб чиқазиб юборибди. Молия бўлими вакили (у вақтда ҳар бир туп мевага солиқ солинарди) қўшниларни ҳам баравар солиқ тўлашга мажбур қилибди. Буни қарангки, ўша куни районларни айланиб юрган Йўлдош Охунбобоев театрга келади. Вақтдан фойдаланиб, Амин Турдиев бу воқеани отага маълум қилади. Ота хандон ташлаб кулади-да, фақат ҳамсояларнигина эмас, саҳий соҳибкорни ҳам солиқ тўлашдан озод қилади.

Қийинчилик йиллари артистлар учун ёпиқ дўкон бўларди. Шу ерда озиқ-овқат, маълум миқдорда кийим-кечак бериб туриларди. Сотувчилар худди ўз молини бизга текинга инъом қилаётгандай ҳам тарозидан, ҳам қайтимидан уриб қолишарди. Буни ҳаммамиз биламиз, аммо дамимиз ичимизда. Бир куни дўконда навбатда тургандик. Биздан олдинроқ келганлардан биттаси қайтимини сўраса, сотувчи пулни пештахта устига зарда билан ташлаб, «Ҳа, паст» деб қўйди. Шунда Аминжон ака орага тушиб, «Ўз ҳақини талаб қилган у пастми, одамлардан уриб қолиб кун кечирадиган сен пастми?!» деган эди.

Урушдан кейинги йиллар театр иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган эди. Бир неча бор директорлар алмашишига қарамай жамоа бу қийин аҳволдан қутулолмасди. Ходимлар ҳатто ойлик ололмай қолдилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди: биз бир нечта ёш ўша вақтдаги директоримиз А. Рустамов хонасига кирсак, у кишининг хотинлари турган экан. Бизни кўришлари билан «Мана уйда нон олишга пулимиз йўқлигидан келинойинглар келиб аванс кутяпти», деганлар. Шундай қийин даврда Амин Турдиев театрга директор бўлди. Бу тиниб-тинчимас одам бошқаларни ҳам ҳаракатга келтириб юборди. Бу киши раҳбарлигида ўша йиллар бир мавсумда 7, ҳатто 8 спектаклни яратишга муваффақ бўлдик. Бу осонликча бўлмади, албатта. Бошлиқ зўр ташкилотчи бўлса кўп нарсага улгурса бўлар экан.

Одамлар иш соати билан ҳисоблашмай қолишди. Амин Турдиев ҳам муаллифлар билан ишлайди, ҳам режиссёрлик қилишга вақт топади. Ҳатто «Шоҳи сўзана»ни (дастлабки варианти «Янги ер» эди) тунги соат 12 дан кейин раҳбарларга топширганмиз. Деярли ҳар куни (театримизда қўйилган спектакллардан ташқари) яна районма-район кезардик. Юк ташийдиган машинада юрган вақтимиз ҳам бўлган. Қишлоқларда ҳозирги клублар қаерда дейсиз. Спектаклларни шам ёқиб чойхоналарда қўярдик. Яна шуниси диққатга сазоворки Амин Турдиев Қорасарой кўчасидаги боғимизни сотиб маошимизни берган эди.

Эндигина оёққа тура бошлаганимизда Турдиевни биздан олиб қўйишди. Вилоят театрларидан бирига ишга жўнатишди. Лекин ўзининг кетгиси йўқ эди. Артист бўлиб қолишга рози эди. Жўнатишди.

Бир куни эрталаб аэропортга кузатгани чиқдик. Болалари ёш, рафиқаси битта боласини қўлида кўтариб олган. Тайёрага чиқиш эълон қилинганида Амин ака мени қаттиқ бағрига босиб, ўкириб йиғлаб юборди. Атрофдагилар ҳайрон бўлишар, у бўлса худди она бағридаги фарзанддай эзилиб йиғларди. Ҳа, театр унинг учун Она эди.

Орадан бир-икки йил ўтмай яна ўзимизга қайтиб келди ва ижодий ишини давом эттирди. У ҳам актёр, ҳам режиссёр эди ва ҳатто пьесалар ёзарди. Шу боисдан бўлса керак драматурглар билан ишлашга кўп куч сарф этарди. Биргина мисол: Уйғун билан ҳамкорлик қилиб, «Қалтис ҳазил» комедиясини саҳналаштирди ва бу асар кўп йиллар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шу билан бирга у ўзига хос актёр эди. Унинг яратган образларини бошқалар у даражада талқин қилолмас эди. Айниқса Ю. Кратковнинг «Жон тинчлик солдати» пьесасидаги Пол Робсон, М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди»сидаги Чингизхон, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»идаги Тантибойвачча, Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар»идаги Заргаров, А. Корнейчукнинг «Макар Дуброва»сидаги бош роли, Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» спектаклида Иван Шадрин, К. Яшиннинг «Инқилоб тонги»даги Шакалон шулар жумласидандир. Ҳар бир образ устида пухта ишларди. Махсус китобларни кўп ўқирди. Энг муҳими образига характер қидирарди. Фақат муаллиф тексти билан чекланиб қолмай қаҳрамонининг янги қиррасини очишга ҳаракат қиларди. «Жалолиддин Мангуберди» спектаклидаги Чингизхон образи саҳнада кам кўринсада томошабинлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган. Чунки бу актёр маҳорати туфайли эди.

Бир гастролда (қайси бири экани эсимда йўқ) бизга маъруза ўқигани бир киши келди. Мавзуси атеистик эди. Маърузанинг бошидан охиригача газеталардан кўчирилган ва альбомга ёпиштирилган мақолаларни ўқиш билан овора бўлди. Ҳатто одамлар ухлаб қолганини ҳам сезмади. Бунинг устига ўзи бошлаб келган киши вақти билан чой тутарди. Маърузачи терлаб-пишсада ўқишдан тўхтамасди. Худди шундай воқеани ҳаётдан кўчиргандай актёр Заргаров образида саҳнага олиб чиққан эди. Балки бу актёр маслаҳати билан пьесага киритилгандир. Ҳар қалай ҳаётий эди.

Амин Турдиевнинг санъат даргоҳига кириб келиши ҳам ўзгача бўлган. Унда ҳам санъатга ишқибозлик болаликдан уйғонган. Маҳалладан анча олисда бўлган гузарга келган дор ўйинига отаси билан борадию, мафтун бўлади. Унга дор ўйинидан ҳам кўпроқ масхарабоз қилиқлари ёқиб қолади. Ўша куниёқ уйига келиб, супрадан, юзига ун сочиб, аллақандай қилиқлар билан ҳамманн кулдиради. 10 ёшида отаси вафот этгач бева она ўғлини болалар уйига топширади Болалар уйида ҳаваскорлик тўгараги бор эди. Унинг фаол иштирокчисига айланади. Ўрта мактабни битиргач Ленин номидаги педтехникумга ўқишга киради, у ерда ҳам концерт номерларида қатнашади. Бир куни «Урфон» мактабига бориб, ўқувчилар тайёрлаган спектаклни кўради. Ҳаяжондан тонг отгунча ухламай чиқади. Эрталаб мактаб директори ҳузурига боради. Бахтига мактаб директори шоир Ғафур Ғулом бўладию, боладаги қобилиятни кўриб қабул қилади. Атоқли шоир кейинчалик уни етаклаб, ўша вақтда донг чиқарган сайёр театрга топширади. Шу сабаб Амин Турдиевнинг ижодий йўли бошланади.

Отахон шоиримиз Ғафур Ғулом актёрлар билан алоқаси ниҳоятда мустаҳкам эди. Мен у кишини кексаларимиз билан суҳбатлашаётганида кўп кўрардим. 1945 йили Аброр Ҳидоятов СССР халқ артисти бўлганида сўзлаган нутқини эслайман: «Аброр, сен билан мен бир маҳаллада туғилганмиз, бир неча йил эски мактабда ўқиб Алифни калтак деярдик... Бугун сен халқ артисти, мен халқ шоириман. Мана ленинча миллий сиёсат тантанаси...».

Амин Турдиевнинг тақдирини шу академик шоиримиз айтган фикрига боғлагим келади.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ.
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати.





Шу йилнинг февраль ойида «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси йўлланмаси билан шаҳримиз мактабларида таълим олаётган 37 нафар ўқувчи Италиянинг Солерно шаҳрида меҳмон бўлиб қайтишган эди. Ҳамшаҳарларимизни «Тассо» лицейи ўқувчилари илиқ кутиб олишди. Меҳмонлар у ерда хонадонларда истиқомат қилишди. Бир оила аъзоларидек қизғин суҳбатлар қуришди. Шунингдек, улар сафар давомида Рим, Ватикан, Помпей ва бошқа шаҳарларни бориб кўришди. Италиянинг қадимий тарихи, диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

Шу кунларда эса тошкентликлар мезбонлик вазифасини адо этишаётир. «Тассо» лицейининг 36 нафар вакили пойтахтимизга ташриф буюришди. Ўтган гал бўлганидек, улар ҳам дўстларининг уйларига жойлашишди. Мезбонлар тенгдошларини шаҳримиздаги маданият саройларига, музейларига, шарқона бозорларига олиб бордилар.

— Дўстлигимиз мустаҳкамланаверсин, — дейишди ёшлар ўзаро гурунгда. — Алоқаларимизни янада кенгайтирайлик, хат ёзишиб турайлик.

СУРАТЛАРДА: италиялик ўқувчилар буюк шоир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан танишишяпти; дўстлигимиз бузилмасдир.

Р. Альбеков суратлари.

Оила манфаатларини кўзлаб

Мамлакатни соғломлаштириш юзасидан СССР Олий Советининг учинчи сессиясида муҳокама қилинаётган биринчи навбатдаги тадбирлар орасида болали оилаларга шошилинч ёрдам беришга қаратилган ҳужжатлар ҳам бор. СССР Олий Советининг аёллар ишлари, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети қонун лойиҳаларини таклиф қилиш тартибида киритган қарор лойиҳаси «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир шошилинч тадбирлар тўғрисида» деб номланган. Унинг асосий қондалари тўғрисида СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг ўринбосари Л. Ф. БЕЗЛЕПКИНА ТАСС мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввал бошданоқ шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, қарор лойиҳасида таклиф этилган тадбирлар ҳақиқатан ҳам сира кечиктириб бўлмайдиган ишлардир. СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетида ҳукумат топшириғига биноан аёллар аҳволини яхшилаш юзасидан давлат программаси ишлаб чиқилаётганига қарамай, биз СССР халқ депутатларининг бу ҳужжатни давлат программасининг таркибий қисми сифатида қабул қилиш хусусидаги ташаббусини қўллаб-қувватладик.

Унда бола туғилганида оилага моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Энг кам иш ҳақи ёки энг кам социал пенсия қанча нафақа берилишини ҳисоблаш учун асос қилиб олинган. Шунга кўра, тегишли нисбатда нафақалар миқдори белгиланади. Энг кам иш ҳақи ва унинг индекси қайта кўриб чиқилиши билан бирга нафақалар миқдори ҳам ягона система асосида шунга қараб ўзўзидан ўзгараверади.

Бола бир ярим ёшга етгунича уни парваришлаш учун давлат тўлайдиган нафақа миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорига (ҳозирги кунда 70 сўм) етказиш (икки ва ундан кўп бола туғилганида ҳар бир бола учун нафақа тўлаш) кўзда тутилмоқда. Айни пайтда узоқ Шимол районларида ва шароити шу районларга тенглаштирилган жойларда истиқомат қилувчи шахслар учун нафақалар миқдори бу районлар ва жойларда ишчилар ҳамда хизматчиларнинг иш ҳақига қўшиб бериладиган район коэффициентлари ҳам қўшиб белгиланади.

Васийликдаги бола учун, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг болалари учун давлат томонидан тўланадиган нафақа миқдорини энг кам иш ҳақи даражасига етказиш мумкин, деб ҳисобланади.

Бола бир ярим ёшга етгунига қадар уни парваришлаш учун тўланадиган нафақа биринчи бор белгиланаяпти. 18 ёшга етмаган ишловчи аёлларга уларнинг меҳнат стажи қанчалигидан қатъи назар, бола бир ярим ёшга етгунига қадар уни парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска берилади.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан пенсия олмаётган беваларга бола учун давлат нафақаси олиш ҳуқуқи берилади.

Қандай типдалиги ёки қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, ўқув-тарбия муассасаларида таълим олаётган ёки тарбияланаётган барча етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ҳам болалар уйлари ва мактаб-интернатлардаги шу категорияга мансуб болалар учун амалдаги қонунларда белгиланган имтиёзларни тадбиқ этиш кўзда тутилган.

Ҳомиладор аёлларни диспансеризациядан ўтказиш, улар соғлиги ва чақалоқлар саломатлигини муҳофаза этиш самарадорлигини ошириш мақсадида туғишгача бериладиган 56 календарь кунидан иборат ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси **(1990 йил 1 декабрдан бошлаб — 70 календарь кун) ҳамда туққандан кейин бериладиган 56 (туғиш қийин бўлганида ёки икки ва ундан кўп бола туғилганида — 70 кун) кунлик отпуска умумлаштириб ҳисобланади ва аёлга у туққунга қадар аслида неча кун отпускада бўлганидан қатъи назар тўла берилади, деб белгилаб қўйиш кўзда тутилган.**

Шу тадбирларнинг ўзиёқ болали 6 миллионга яқин оиланинг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради. Бу тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар йилига 3,2 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу тадбирларни 1991 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш мўлжалланаяпти.

14 ёшга етмаган боласи бўлган ота-оналарнинг меҳнат имтиёзли режимлари (тўла бўлмаган иш вақти режими, қўшимча дам олиш куни берилиши, ўзгарувчан иш графиги)га бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилган. Хотин-қизлар ва балоғатга етмаганлар учун қўлда юк кўтариш ва ташишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг катта нормаларини, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ҳамда меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлган ишлаб чиқаришлар, касблар ва ишлар рўйхатини уларни бола кўрадиган ёшдаги аёллар жалб этилмаслиги лозим бўлган иш турлари билан тўлдириб, қайта кўриб чиқиш режалаштирилаяпти.

Ходимларнинг психофизиологик, ёш ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, иш жойларининг янги таснифи ҳамда асосан аёллар, балоғат ёшига етмаганлар ва меҳнат қобилияти пасайган кишилар ишлаши учун ишлар ва касбларнинг тахминий рўйхати ҳам хотин-қизларга муносабатнинг инсонпарварлашувига хизмат қилади. Шунингдек, халқ хўжалигининг, ишлаб чиқаришнинг аёллар кечаси ишлаши жуда зарур бўлмаган тармоқлари ва ишлар белгиланади ҳамда шунга қараб аёлларни, **чунончи биринчи навбатда 14 ёшга етмаган болали ёки 16 ёшга етмаган ногирон боласи бўлган аёлларни тунги сменалардан озод қилишнинг конкрет муддатлари ва тартиби белгилаб қўйилади.**

Қарор лойиҳасини СССР ҳуқумати тасдиқлаган ва у СССР Олий Советига тақдим этилган.

Турфа олам

«ТИРИК МОЛ» ОПЕРАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Грециялик божхона ходимлари Родос ороли яқинида лангар ташлаган Ливан байроғи остидаги «Конди мини» кемасида кутилмаган нарсага дуч келдилар. Улар бу кемада яширинча қора дори олиб келинаяпти, деган шубҳа билан тинтув ўтказишга қарор қилдилар. Лекин яширин мол ўрнига улар кема трюмида Шри Ланкадан келаётган 90 дан ортиқ одамга дуч келдилар. Уларнинг ҳеч бирида ҳужжат йўқ эди. Шундан кейин гап яширин муҳожирларнинг навбатдаги гуруҳи тўғрисида кетаётганлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, улар Родосдаги кимсасиз жойда тушириб қолдирилиши керак эди. Одамлар у ердан Грециянинг Патри портига бориб, Италияга ўтиладиган паромга тушишлари лозим эди. Улар Италияда ўзларига яраша иш топиш ниятида эканлар. Бунинг ўрнига Родос маъмурлари муҳожирларни ушлаб, докда турган контейнер ташийдиган кемага қамаб қўйдилар. Улар шу ерда суд маъмурларининг қарорини кутадилар.

Грециянинг яширин йўл билан Италияга ўтиб олишга уринаётган «Транзит» муҳожирлар биринчи бор ушлаб қолинаётгани йўқ. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, бунда гап Европага «тирик мол», Осиё ва Африканинг кам ривожланган мамлакатларидан арзон ишчи кучларини келтиришнинг янги усули тўғрисида бормоқда.

ЭРТАКНАМО ЎСИМЛИКЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Ер куррасида ўсадиган икки минг хил хушбўй ўсимликдан қарийб 200 хили инсон учун фойда бериши мумкин. Бироқ уларнинг атиги 20 хилидан одамлар фойдаланишади. Бу рақамлар Мадагаскар пойтахтида шифобахш ва хушбўй ўсимликларга бағишлаб ўтказилаётган халқаро семинарда келтирилди.

Бугун доришунослар ва атир-упа тайёрловчилар, янги пардоз моддалар ихтирочилари ва озиқ-овқат саноати ходимлари ўз фаолиятини табиий эссенцияларсиз тасаввур эта олмайдилар, деб таъкидлади Мадагаскар Демократик республикаси атроф-муҳитни ўрганиш миллий директори Дала Ракутувау.

Ҳинд океанининг зумрад сувлари остида қолиб кетган ерларни қадимдаёқ «Ширинликлар ороллари» деб аташарди. Мадагаскар ва Комор ороллари жаҳон бозорига қадим замонлардаёқ ваниль, долчин ва чиннигул етказиб беради. У ерда атир-упалар тайёрлашда кенг қўлланиладиган иланг-иланг ўсимлиги ҳам ўстирилади. Реоньонда бузоқчирг ўсимлиги етиштирилади. Унинг илдизидан атир тайёрлашда фойдаланиладиган қимматбаҳо модда олинади.

Мазкур семинар миллий программаларни мувофиқлаштиришга хизмат қилиши лозим. Ишонч билан айтиш мумкинки, деб таъкидлади Л. Ракутувау, биз одамларни даволабгина қолмай, уларнинг ҳаётини янада гўзалроқ қилувчи эртакнамо ўсимликлар салтанати эшигини қия очдик, холос.

МИНИСТР СОҚЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Малайзия транспорт министрининг ўринбосари Залеха хоним ярим тунда уйга қайтаётиб, мотоцикл минган бир талай ўсмирлар орасига тушиб қолди. «Уларнинг қанча эканини мен ҳатто тахминан ҳам айтолмайман», — деди у кейинчалик журналистларга.

Бу ҳодиса, афтидан министр ўринбосарининг сабр косасини тошириб юборди. Бугун у ҳукумат парламент орқали йўл транспорти тўғрисидаги қонунга ҳаракат қондаларини бузувчиларга, хусусан «рокер»ларга қарши кураш чораларини кучайтиришга қаратилган бир қанча тузатишлар киритишини маълум қилди.

Бугунги кунда полиция йўллардаги кишиларнинг ҳаёти ёки саломатлиги учун хавф туғдириш билан боғлиқ ишларни суд идораларига топшириш учун доим ҳам имкониятга эга бўлавермайди. Бугун «Нью Стрейст таймс» газетасининг ёзишича, ўтган йилнинг фақат дастлабки тўққиз ойи ичида йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 2340 киши ҳалок бўлган. Бу, 1988 йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиз кўпдир. Маҳаллий матбуот ёшларнинг мотоциклларидаги ўзаро пойгаси Малайзия йўлларидаги чинакам офатга айланганини таъкидламоқда.

«Малай мейл» газетаси бугун Залеха Исмоилнинг: «Шаҳарни «пойгачи»лардан тозалаш учун мен шахсан ўзим тунлари кўчаларда соқчилик қиламан», — деган сўзларини келтирди. Афтидан, министр ўринбосари бу ваъдани ростдан ҳам бажариш ниятида шекилли. Юқорида айтиб ўтилган ҳодисадан кейинроқ у дарҳол яқин орадаги полиция участкасига хабар қилди. 52 нафар «рокер» қамоққа олинди.

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ҳосил қилиш мумкин. Жумладаги «улар» олмошининг қайси гап бўлагига, «гражданлар»гами, «матбуот эркинлиги»га ёки «ахборот воситалари»гами даҳлдорлиги аниқ эмас. Расмий ҳужжатлар тилида олмошлар одатда кам ишлатилади, ишлатилган тақдирда ҳам кўпинча қавс ичида уларнинг қайси сўз ёки гап бўлаги ўрнида келганлиги изоҳланади. Лойиҳада ҳам шу усулдан фойдаланилганда ёмон бўлмасди.

Қонун лойиҳасининг бошқа моддаларидаги моҳиятни ноаниқ ифодалар, истаган томонга чўзиш мумкин бўлган жумлалар бартараф этилиши, айрим тушунча ва фикрларга аниқлик киритилиши лозим. Чунончи, 4-модданинг дастлабки бандида матбуотнинг юридик шахс сифатида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши қайд этилар экан, унга «ҳамда зиммасига мажбуриятлар олади» иловаси тиркаб қўйилган. Бу қандай мажбуриятлар, улар нималардан иборат? Ким белгилайди уларни? Агар бу гувоҳнома берувчи орган ёки таъсисчи ихтиёрида бўлса, унинг ҳуқуқий чегараси қандай тайин этилади? Олинган мажбурият учун ҳисоб ҳам, жавоб ҳам бериш керак-да, ахир! Лойиҳанинг «Оммавий ахборот воситаларининг ташкилотлар ва гражданлар билан муносабатлари»га оид қисмида «Давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни ва ҳужжатлардан нусха олиш имконини беришга мажбур» (26-модда), деб кўрсатилган. Бу маъқул гап.

Журналистика маълумот олишдан бошланади. Ахборот — матбуотнинг хом ашёси. Шу боис журналистика «ахборот излаш, олиш ва тарқатиш, «ўз шахсий фикрлари ва баҳоларини баён қилиш» ҳуқуқининг (34-модда) берилганлиги журналист ва мансабдор шахс мавқеи тенглаштирилгандай кўринади. Аммо кейинги моддада «давлат сири ёки қонун бўйича махсус сақланадиган сир бўлса» ахборот беришдан бош тортиш мумкинлиги, бу ҳақда уч кун муддат ичида асослаңган ёзма рад жавоби бериш зарурлиги кўрсатилган. Бу фикр «Умумий қоидалар»да (5-модда) ҳам бошқачароқ тарзда қайд этилган.

Айни мана шу моддани рўкач қилиб, ахборот беришдан бош тортиш мумкинку! Бунинг сабабини ёзма равишда асослаш учун баҳона топиш унча қийин эмас. «Давлат сири ёки бошқа... сир» ифодаси аниқ амалий мундарижага эга бўлмаганликдан сирли бойлоғичга айланмаслигига ким кафолат беради? Атамада пучлик бор жойда маънавий «лўттибозлик» ҳам бўлади. Маъно бўшлиғини, мазмун мубҳамлигини ҳар ким ўзича тўлдириши, ўзича талқин этиши фавқулодда ҳол эмас тил амалиётида. Бунинг устига идора сири, ташкилот сири, ишлаб чиқариш сири, тергов сири, оила ёки тижорат сири деган сирлар ҳам бор. Буларни ҳам давлат сирига ёки махсус қўриқланадиган сирларга қўшиш керакми? Умуман, лойиҳада назарда тутилган сирларнинг маълум бир рўйхати борми? Расмий қонунни норасмий талқин этмаслик учун бундай рўйхат зарурга ўхшайди. Шу ўринда 1926 йилда давлат сири ҳисобланган маълумотлар рўйхатининг ҳукумат томонидан тасдиқланганлиги ва газеталарда эълон қилинганлигини эслаш кифоя.

Лойиҳада фуқаронинг ахборот олиш, ахборот тарқатиш ҳуқуқларига оид жиҳатлар эътибордан четда қолгандай, ҳатто камситилгандай туюлади. Чунки унда 26-моддадаги «Гражданлар оммавий ахборот васиталар орқали... ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар» деган кўрсатмадан бошқа гап учрамайди. Бу моддани одатдаги норасмий услубда баён қилинса, «фуқаролар газета ўқиш, радио эшитиш», «телекўрсатувларни кўриш ҳуқуқига эга» қабилидаги ҳуқуқий «кашфиёт» аён бўлиб қолади. Кўзингиз, қулоғингиз соғ, бунинг устига озгина саводингиз бўлса бас, бу ҳуқуқдан истаганча фойдаланиш мумкин. Гувоҳнома олиш шарт эмас. Киноядан мақсад ушбу банднинг лойиҳа учун бирор-бир қийматга эга эмаслигини таъкидлашдир.

Нега энди, журналистларга берилган ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига фуқаролар эга бўлмаслиги керак? Ошкоралик ҳар бир кишининг ўз фикрини матбуотда очиқ баён этиш ҳуқуқини таъминлаш демак. Оммавий ахборотнинг оммабоплиги меҳнаткашларнинг матбуотдаги фаол иштироки билан ҳам боғлиқ. Сўз эркинлиги фақат журналист учунгина эмас, у жамиятнинг барча аъзолари учун дахлдор. Бинобарин, бу алоҳида қайд этилиши керак қонун матнида.

Яна бир мулоҳаза. Бу ахборот манбаларини қатъий марказлаштирилишининг матбуот эркинлигига муносабати масаласини ойдинлаштиришдир. Қонунда редакцияларнинг ахборот танлаши ва саралаши масаласи, телеграф ва ахборот агентликларидан, бошқа нашрлардаги хабарлардан фойдаланишнинг тартиблари ва мезонларига муносабат билдирилса яхши бўларди. Бу маҳаллий газеталар саҳифасини район ҳаётидан, шу ерда яшовчилар қизиқишидан узоқ бўлган аҳамиятсиз хабарлар билан тўлдириш тажрибасига барҳам берган бўлармиди?

Лойиҳанинг II-боби «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш»га оид 16-моддани ўз ичига олган. Бу моддалар оммавий ахборот воситалари эркинлигининг маъмурий идоравий жиҳатларига дахлдор. Лекин уларда матбуотга партиянинг раҳбарлиги масаласига оид бирорта жумла учрамайди. Лойиҳа матнида партия сўзи умуман ишлатилмаган. Матбуотга раҳбарлик, унинг эркинлигини таъминлаш партия комитетлари зиммасидан соқит қилингандай таассурот туғдиради. Бинобарин, матбуотга ҳомийлик қилиш бевосита таъсисчи — ўша гувоҳнома берувчи орган ихтиёрига берилган.

Бу партия комитетларининг матбуот фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашавериши, фармойишга асосланган раҳбарликни бартараф этиш нуқтаи назаридан тўғридир, балки.

Фикримизча, партия комитети ёки партия ташкилоти ўрнига таъсисчи атамасини қўллаш билан бу муаммони ҳал этиб бўлмаса керак. «Таъсисчи» сўзи район, вилоят газеталарининг партия комитетлари ихтиёридан олиб қўйилганлигини билдирмаса керак. Шундай экан, ноҳия газетасининг район партия ташкилоти ёки район ижроия комитетини ошкора танқид қилиш имконияти мушкуллигича қолавермайдими? Ахир, таъсисчи ким бўлишидан қатъи назар у газетанинг асосий «хўжайини» ҳисобланади-ку! Демак, оммавий ахборот воситаларининг мутлоқ эркин бўлаолмаслиги, уларнинг эркинлик даражаси таъсисчи ёки гувоҳнома берувчи ихтиёрида эканлиги аён ҳақиқат. Шунинг учун қонунда масаланинг мана шу жиҳати очиқ ва ошкора кўрсатиб берилиши керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, оммавий ахборот воситаларини таъсис (ташкил) этиш эркинлиги билан ахборотни танлаш ва тарқатиш эркинлиги айнан тенг тушунчалар эмас, лойиҳа жамоат ташкилотларидан тортиб СССР гражданларигача газета, журнал ва бошқа хил нашрларни таъсис этиш ҳуқуқи берилган. (6-модда). Бу ҳол ахборот танлаш, уни баҳолаш ва тарқатиш эркинлиги умумдавлат, умуминсоният манфаатларинигина эмас, ҳар бир халқнинг маънавий, руҳий, ахлоқий нормаларини ҳам суиистеъмол қилишга, миллий камситишга зид эканлиги, ҳурматсизлик, қўполлик ва ҳақорот қилиш ҳолларига йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида аниқ ва равшан қайд этилиши зарур.

Матбуот ходимларига маълум, танқид қилинган шахс фактларнинг тасдиқланмаганлиги, ахборотнинг уйдирма эканлиги учун эмас, балки унинг услубий талқини учун журналист билан «сан-манга бориши» ҳеч гап эмас. Матндаги бирор мажозий ифода, образли истиора редакцияни туҳмат қилишда айблаш учун дастакка айланиши мумкин. Танқидий материал «қаҳрамони», матндаги «у юрак ўйноғига дучор бўлди» сингари мажозий ифода боис муаллифни судга бериши ва ўз даъвосини (юраги соғ эканлигини) тиббий ҳужжат билан асослаши мумкинлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай воқеалар журналистларга маълум. Бу жиҳатдан бундан бир неча йил олдин «Правда» газетасида эълон қилинган «Ох уж этот валидол...» номли хабар эътиборга лойиқ. Унда айтилишича, танқид қилинган колхоз раисининг валидол истеъмол қилганлиги ҳақидаги киноя учун район газетаси муҳаррири ҳайфсанга сазовор бўлган. Бу хил воқеалар кейинги йилларда кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ. Қонун лойиҳасида эса бу жараёнга яна ҳам қонуний тус берилмоқчидай. 43-моддада қайд этилган маънавий зарарни қоплаш учун белгиланган 50 минг сўмлик жариманинг ўзиёқ ҳар қандай журналистни расмий услубда — ҳужжатлар тилида ёзишга ундайди.

Қонун лойиҳаси боис, матбуот муаммоларига оид баъзи мулоҳазаларга муносабатимизни ҳам баён этишга ҳаракат қилдик. Зеро, ушбу қонун лойиҳасини атрофлича муҳокамадан ўтказиш матбуотимиз олдида турган айрим масалаларга жиддий назар ташлаб олиш, ҳал этилиши лозим бўлган ечимларни белгилаб олиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультети услубият ва адабий таҳрир кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.



Рўзномамизда «Посбонликка ким муносиб!» деган мақола эълон қилингандан сўнг унга оқшомхонлардан ўз муносабатини билдирувчи хатлар кўплаб кела бошлади. Бу мактубларнинг кўпчилигида милиция қасамига содиқ бўлмаган баъзи шахсларнинг эл олдида ўзларини ғайри табиий тутишлари, жиноятни кўра-била туриб кўрмасликка олишлари, чайқовчилик, қаллобликларга эътиборсизликларни кескин танқид қилинади.

КЎРИБ КЎРМАСЛИККА ОЛМАЙЛИК

Оқшомхонлар мактубларини ўқиб

— Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида жиноятчилик хусусида, жумладан Тошкент шаҳрида ҳам жиноятчиликка қарши кураш етарли олиб борилмаётганлиги ҳақида ҳам кўп гаплар бўлди.

«—Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишидан, миллий адоватни кучайтириб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқараётганидан халқимиз қанчалик ташвишда эканлигини ҳаммангиз яхши биласиз», дейилади сессия материалларида, — деб ёзибди оқшомхон М. Маҳмудов ўз хатида. — Жумҳуриятимиз бугун бурилиш даврини бошдан кечираяпти. Шундай экан, айни ҳозирги дамларда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормаларнинг ҳар қандай кўринишини бузишга чек қўйиб, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш жуда ҳам зарур. Президент лавозимининг таъсис этилиши ҳам худди шу мақсадни кўзлайди. Чунки бундай бошқарувни ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг моҳияти тақозо этаяпти.

Давр олдимизга жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш кераклиги ҳақидаги муаммони қўяётган экан, бунинг учун аввало ички ишлар органларидаги иллатларга барҳам бермоқ керак. Қачонки, ҳуқуқ-тартиботчилар ўртасида ҳалоллик, адолат, касбга садоқат намуналари қарор топмагандагина жиноятлар илдизига болта урилган бўлади».

Шаҳримизнинг Фрунзе районидаги Бошлиқ даҳасида истиқомат қилувчи Д. Рашидов бизга йўллаган хатига «Ҳақиқат борми, дунёда» деб сарлавҳа қўйибди.

— Онамиз вафотидан сўнг, отамиз бизни ташлаб кетиб қолди, — деб ёзади мактуб муаллифи. — Кейин билсак унинг бошқа хотини бор экан. Онамиз куйиб адо. бўлишига ҳам шу сабабчи экан: У киши бизни ўксиксимаслик учун бу воқеани ошкор этмай келарканлар.

Кўп ўтмай отам хотини билан бизнинг уйга кўчиб келиб, онлам билан мени кўчага ҳайдади. Сабаби, мен онамнинг отасидан қолган ҳовлини у ерда ҳеч ким турмаганлиги сабабли 7 минг сўмга сотиб юборган эдим. Бу қилмишим отамга ёқмабди.

Ўзга жойдан ижарага уй топиб кўчиб кетдик. Аммо отам бу билан ҳам қаноатбўлдию, ўрта ёшлардаги икки киши «сан-манга бориб қолишди. Кейин муштлашиб кетишди, — деб ёзади қорақамишлик Х. Нодиров. — Биз уларни тартибга чақирар деган мақсадда ҳозиргина қўлида резина таёқчасини ўйнатиб ушбу воқеани сал нарида кузатиб турган милиция ходимчисига қарадик. Вой тавба, у гўё ҳеч нарса кўрмагандек шошилганча кетиб борарди. Унинг биргина сўзи ва ишораси билан барҳам топадиган бу муштлашув катта дилхираликка айланди. Агар бекатдаги одамлар аралашмаса у бирор фожиа билан тугаши аниқ эди. Бу воқеани мана шунақа вижданини «ютган» милиция хизматчиларига ибрат бўлармикин деган мақсадда ёзмоқдамиз. Ахир бундай лоқайдлар эртани эрта, кечни кеч демай ҳамшаҳарларимиз тинчини ўйлаб, ҳатто бу йўлда ашаддий безорилар билан олишиб жонини фидо қилаётган ҳамкасблари шаънига ҳам қора доғ тушираётганликларини билиб қўйсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Оқшомхонлардан Б. Холиқов, М. Азимовларнинг хатларидаги эътирозлар ҳам ўринлидир. Улар ўз мактубларида бозорларда чайқовчилик қилаётган қаллоблар, камёб молларни магазиндан харид қилиб ўша жойнинг ўзида устама нарх билан сотиб «меҳнаткашлар нонини туя қилаётган»лар ҳақида ёзишади.

— Ахир жамиятимизга иллат бўлган бу кўринишлар милиция хизматчилари кўз ўнгида содир бўляпти-ку. Нега улар бундай бемаънигарчиликларни кўриб кўрмасликка олишади, — дея ўринли савол бериладилар.

Оқшомхонларимизнинг эътирозлари ҳуқуқ-тартибот органларидаги баъзи бир ўз ишига виждонан ёндошмайдиган кимсаларга бироз бўлсада таъсир этар, уларни ўз қилмишларига танқидий кўз билан қарашга ундар, ҳушёрликка чақирар деган умиддамиз.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Жиноятчилик камаймоқда

БИРОҚ ХОТИРЖАМЛИККА МУТЛАҚО АСОС ЙЎҚ



⊙ ТАРТИБ НАЗОРАТЧИСИ. Октябрь район ички ишлар бўлимининг участка назоратчиси, район Советининг депутати Олимжон Муҳаммаджонов.

Шу йил январь, февраль ойларида содир бўлган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда нисбатан кам. Март ойининг дастлабки ўн беш кунлик маълумоти ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда ҳам шу ҳол кўзга ташланади. Масалан, агар 1980 йилнинг март ойи 15 кунлигида умуман 1052 та жиноят содир этилган, бу йилнинг шу муддатида эса 934 та жиноят рўй берди. Шулардан 544 таси фош этилди.

Вояга етмаганлар томонидан ўтган йилнинг 15 куни ичида 109 та жиноят ҳисобга олинган бўлса бу йил бу рақам 73 тани кўрсатмоқда. Ўтган даврда ички ишлар туфайли 50 та жиноят рўйхатга олинган эди. Бу йил эса бу кўрсаткич 48 тани ташкил этади. Тан жароҳати ўтган йилнинг ярим ойида 176 та, бу йил эса 152 та содир этилди. Шунингдек зўрлаб номусга тегиш 22—14, босқинчилик 16—17, талончилик 84—62, майда безорилик 133—89, давлат мулкини ўғирлаш 72—59, шахсий мулкни ўғирлаш 376—297, квартира ўғирлиги 182—139 тани ташкил этади.

Лекин рақамлар автомобиль машиналарини олиб қочиш, наркотик моддаларни тортиб олиш каби ҳодисалар билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони ошганлигини кўрсатмоқда. Улар 65—115, 27—46 тага етган.

Юқоридагилардан жойларда жиноятчиликка қарши кураш анча фаоллашгани кўриниб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарори барча давлат органлари, корхоналар ва муассасалар, жамоат ташкилотларида тузилган муваққат комитетлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ бу зинҳор-базинҳор хотиржамлик кайфиятига берилиш деганн эмас. Айниқса жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринаётган ҳозирги дамларда маъмурий-ҳуқуқий органларнинг ҳар қадамда ҳушёр бўлишлари ўз-ўзидан маълум. Жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, гражданларнинг ор-номусини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлаш бу барчанинг шу кунги ҳоҳиш-талабидир.

М. ОРИПОВ.

Жоҳилликка ундовчи фильмлар

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари ёшлар ўртасида жиноятлар сабабини ўрганиш учун шаҳар комсомол комитети томонидан ташкил қилинган махсус гуруҳ билан биргаликда шаҳримиздаги видеосалонлар ишини текширдилар. 131 та видеосалон текширилганда улардан 44 таси ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган. Чет элдан яширин йўл билан олиб келинган. Видеосалон хизматлари эса маданият соҳасига алоқаси бўлмаган, сиёсий жиҳатдан савиялари паст бўлган кишилар зиммасига юклатилган. Кечки сеанслар текширилганда 12 нафар вояга етмаган болалар ёшларига тўғри келмайдиган ажнабий фильмларни томоша қилаётганликлари маълум бўлди. Улар билан таълим-тарбия олиб бориш район ички ишлар қошидаги вояга етмаган ёшлар билан иш олиб борувчи комиссия ҳукмига ҳавола этилди.

Бундан ташқари текширув чоғида «Ўзбекистон» меҳмонхонасида жойлашган «Шарқ» қаҳвахонасида «Тошкент» видеомарказида рўйхатда бўлмаган салон аниқланди.

Темирйўлчилар музейида жойлашган видео аппарати темир йўл хизматчиларининг тарихий анъаналарини, Улуғ Ватан уруши давридаги жасоратларини тарғибот қилиш ўрнига музей директори Соболевнинг кўрсатмаси билан ажнабий фильмларни намойиш этар экан.

Шаҳримизнинг Киров районига қарашли Юнусобод даҳасидаги уйлардан бирида жойлашган видеосалон ҳам ҳеч қаерда рўйхатда бўлмаган ҳолда шаҳар комсомол комитети томонидан ташкил қилинган экан. Кўрсатувдан тушаётган пул эса шу комсомол жамғармасига тушар экан.

Ш. УМАРХОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими бошлиғи.

Кўза кунида синади

ИҚРОР

БУ ҲОДИСА шу йилнинг 10 февраль куни соат 17 дан 30 минут ўтганда шаҳримизнинг «Қатортол» ва «Фарҳод» кўчалари кесишган чорраҳада рўй берди. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати навбатчисига Акмал Икромов район «Тез ёрдам» касалхонасидан телефон қилишиб 25 ёшли Марат Мустафинни номаълум автомобиль машинаси уриб юборганлигини хабар қилишди.

Навбатчи гуруҳ касалхонага йўл олди. Жабрланувчи «Оқ рангли «Жигули»... деган сўзларини зўр-базўр айтди. Гуруҳ бошлиғи—шаҳар ички ишлар бошқармаси тергов бўлимининг хизматчиси Ҳамидулла Файзиев жабрланувчини бу ерга ким олиб келганлиги билан қизиқди. Ишни худди мана шундан бошлаш керак. Балки ўша одам калаванинг учини топишга ёрдам берар? Шу мақсадда Ҳ. Файзиев Чилонзор районига — ҳодиса содир бўлган ерга етиб келди. Кечки пайт бўлганлигидан кўчада савдо қилаётган гулчилар, пештахтада ҳўл мевалар сотаётган сотувчилар кетиб қолган эди. Дўкондаги сотувчилар билан бўлган савол-жавоб ҳам ҳеч қандай маълумот бермади. Терговчи ўз ишхонасига ҳориб қайтди. Уни қидирув бўлими ходими Т. Ортиқов қарши олди.

— Мен райондаги ҳамма оқ рангли 06 мариадаги «Жигули»ларни аниқладим, шулардан 5 тасини кўриб, автомобиль эгаларидан тушунтириш хати ҳам олдим.

— Жабрланувчини «Тез ёрдам» клиникасига олиб борган машина эгасини топдиларингми?

— Уйида йўқ экан, акасига тайинлаб келдим, келган заҳоти бизга учрашсин деб.

Эртасига соат 5 яримларда терговчи яна «Қатортол» ва «Фарҳод» кўчаларини кесишган, чорраҳага йўл олди. Автобус ва троллейбус бекатидаги одамлардан нечаги воқеани суриштирди. Натижа чиқмагач, бекатдан 5—6 метр нарида писта сотиб ўтирган аёлга яқинлашди. Аёл буни пайқадими, писта тўла халтасини ола дўкон ортига тез илдамлаб кетди. Ҳ. Файзиев аёлни тинчлантириб унга ўзини танитирди.

— Болам, фақат менн овора қилмасанг айтаман, — деди аёл терговчига синчков қараб. — Кўзим тушувди, чаласи нўи рангдаги номери 9 билан туговчи «Жигули» машинаси эди. Ўша машина тагида қолган ёнгит мендан бир стакан писта олган эди. Бир вақт қарасам... Машина эгаси ва унинг йўловчиси йигитни дарҳол машинага ўтказиб олиб кетишди.

Машина эгасини топиб бўлмади. Ҳар гал у уйида бўлмасдим. Бошқалар орқали огоҳлантирилишига қарамай терговчи олдига ҳам келмасди.

Ниҳоят 13 февраль куни Неъмат Тошмирзаевнинг ўзи Ҳ. Файзиевни қидириб келди. Шубҳа-гумонларни эшитиб чиқирилди.

— Айбим жабрдийдани касалхонага олиб борганимми? Бир кўнглим бу ишга аралашмай девдим-а. Ўша куни «Қатортол» кўчасида машинамда кетаётган эдим, бундоқ қарасам кўчанинг қатнов қисмида бир йигит ётган экан. Кўриб индамай кетиш инсофдан бўлмаса керак деган хаёл билан унинг ёнида тўхтадим. Шу пайт автобус бекатида турган ўртоғимнинг укаси Дилмурод чопиб меннинг ёнимга келдида яқингинада шу йигитни оқ рангдаги «Жигули» автомобили уриб, қочиб кетганлигини айтди. Биз икковимиз уни кўтариб машинамнинг орқа ўриндиғига ўтказиб, «Тез ёрдам» клиникасига олиб бордик. Клиникада менинг фамилиям ва турар жойимни навбатчи ҳамшира ёзиб олди, шундан кейин биз Дилмурод билан уйимизга кетдик. Бор гап шу.

Ҳ. Файзиев Ортиқбоев билан ўша куннёқ унинг машинасини кўздан кечиришди. Машинанинг олди чап қанотидаги пачоқ уларнинг диққатини ўзига тортди.

— Сиздан илтимос, биз экспертиза қилгунимизча пачоқларга тегилмасин, — огоҳлантиришди терговчилар Тошмирзаевни.

Экспертиза хулосалари ҳамма нарсани аниқлаб берди.

19 февраль куни соат 9 ларда Неъмат Тошмирзаев айбига иқрор бўлиб терговчи Ҳ. Файзиевнинг кабинетига кириб келди ва бўлган воқеани бирма-бир гапириб берди.

И. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Бедарак йўқолган



Чилонзор район ички ишлар бўлими томонидан 1929 йилда туғилган Михаил Абдуллаевич Азимов қидирилмоқда.

Чилонзор даҳасининг 10-мавзесида жойлашган 9-уйининг 15-квартирасида истиқомат қилувчи бу киши ўтган йилнинг 2-августида уйдан ишга кетганича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160—174 сантиметр, қоши ёйсимон, кўзойнак тақади, сочлари оқ-қасига таралган, оқсоқ.

Агар сиз у ҳақда бирон маълумотга эга бўлсангиз 33-71-47, 56-97-72, 56-96-27 телефонлари орқали хабар қилишингиз мумкин.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги «Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-трести базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИҚА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плитачи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесар-сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийимбош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумотни ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси: (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти маскани: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй. 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини моделлаштирувчи бичиқчи (расмдан имтиҳон топширилади), тикувчилик ишлаб чиқариши оператори, эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи.

Таълим муддати — 11-синф маълумоти билан — 6 ой (мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида (МУПК) таълим олган ва бичиш ва тикиш курсларини тамомлаганлар); 9-синф маълумоти билан — 2—3 йил.

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9 ва 11-синф ўқувчиларини ҳам билим юртига ўқишга таклиф қиламиз. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга касб ўргангани ва тўлиқ ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

Билим юртига 11-синфни тамомлаб ўқишга кирган ўқувчиларга таълим даврида 30 сўм стипендия берилади, 9-синфни битириб ўқишга кирганлар эса, тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртини «аъло» баҳога тамомлаганларга институт ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти қошида тикувчилик буюмлари тайёрлаш бўйича «Эҳтиёж» ширкати ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги аттестат (гувоҳнома), паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

Қуйидаги манзилда жойлашган билим юртига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 63-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон — 35-62-41, ички телефон 2-62 (9, 18, 19, 21, 24, 26, 47, 51, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин-мавзу кўчаси, 136-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Телефон — 48-64-04, (10э 43, 88-автобуслар; 19, 27-трамвайларнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИҚА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгалларан касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиҳзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, отаонасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Бобомурод ҲАМДАМОВнинг

30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Уктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг ғолиблари
МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОҲУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА

«ДЎСТЛАР ҚУЙЛАГАНДА ВА ҚЎЛДИРГАНДА»

КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13 апрель соат 19.00 да
14 апрель соат 16, 19.00 да
15 апрель соат 12, 15 ва 18.00 да

«ЎЗБЕК ГИПНОЗЧИСИ»
Фарҳод РАЖАБОВ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Гипноз, мўъжизалар. Иллюзион ревю, психологик тажрибалар. Африка бўғма илонлари билан олишув, шунингдек, руҳий таъсир орқали беморларни даволаш...

КАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Сиз ёқтирган хонандалар, эстрада юлдузлари, замонавий РОК группалари...
(Концертда гипноз билан ухлатилган томошабинлар ўзларининг санъатини намойиш қиладилар).
Томошадан кейинги соғайиш эса гипноз таъсири натижасидир.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

ЙИГИТЛАР! ҚИЗЛАР!

Уч кун ичида бутун Ўзбекистонга танилишни, миллионлаб мухлислар орттириб, турли мукофотлар совриндори бўлишни, «ойнаи жаҳону», газета мухбирлари диққатини тортишни истайсизми?...

УНДА ШОШИЛИНГ!

Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий қўмитаси «Ёшлар уйи», Ўзбекистон маданият хазинаси, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ўтказажак

«НАФОСАТ—90»

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИ БЕЛЛАШУВИДАН КЕЧ ҚОЛМАНГ

Унда 17 дан 30 ёшгача бўлган барча йигит-қизлар иштирок этиши, омадини синаб кўриши мумкин. Конкурс ғолибаси ва ғолиби Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига тавсия этилади **Конкурсда иштирок этиш учун аризалар 19 АПРЕЛГА ҚАДАР қабул қилинади.**

Батафсил маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонага, 41-45-20 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Нажот истаб**, 11/IV да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-11/IV да **Анқовлар чайқови.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Парвона** (800-марта қўйилиши, 19.00), 11/IV да **Паранжи сирлари** (19.00).

КИНО

10 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «ҚОЧИШ» (18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЎЙНА-ЎЙНА» (18.30 21.00).

11 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (11, 13, 15, 17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «СЕВИМЛИ РОЖА» (13.30, 16, 21.00); «ҚОЧИШ» (11, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент кечки машинасозлик техникуми жамоаси ўқитувчи С. М. Арсланова онаси

Нурбиби САФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—10010.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.